***Андижон вилояти Бўстон тумани "Пиллакор" МФЙ ҳудудида ичимлик ва оқова сув иншооти хамда тармоқлари қурилиши объектига***

# ИШЧИ ЛОЙИҲАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ТОПШИРИҚ

**Андижон – 2022 йил**

| | Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Буюртмачи | “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси |
| 2. | Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февраль кунги № 22-сонли йиғилиш баёни |
| 3. | Қурилиш тури . | Янги қурилиш |
| 4. | Молиялаштириш манбаси | Бюджет маблағлари хисобидан |
| 5. | Буюртмачи реквизити | Андижон шахри, Чинобод кўчаси 59 уй ИНН 305980724, х/р 20210000300974345001 Узсаноаткурилишбанк МФО 00075, ИНН 305980724, ОКОНХ 90213 |
| 6. | Лойиҳа босқичи | Ишчи лойиҳа |
| 7. | Бош лойиҳалаш корхонасининг номи | Энг яхши тақдим этилган таклифга асосан |
| 8 | Лойиҳа қуввати | Лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади |
| 9. | Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсатгичлари ва рўйхати | **<u>Янги қурилиш:</u>**<br>- **МФЙ ҳудудида 1 ичимлик сув иншооти (кудук)ни куриш:** *(гидрогеология хулосасига асосан)*<br>- Иншоот худудига бир дона сув минораси (**каркасной**) ўрнатиш (*баландлиги ва хажми лойиҳа ишлаб чиқишда аниқланади*);<br>- Янги ўрнатилган сув минораси перелив тармоғидан арикқа қадар сув тармоғини қуриш;<br>- Ичимлик сув кудуғини янги замонавий энерготежамкор насос ускуналари билан жихозлаш (*қуввати лойиҳада аниқланади*);<br>- Янги куриладиган сув қудуғини автоматик ўчириб ёқиш ускунаси билан жихозлаш;<br>- Туман худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан тақдим этилган “**техник шарт**” га асосан юқори кучланишли хаво линиясини қуриш ҳамда бир дона трансформатор ўрнатиш; *(узунлиги ва қуввати лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади);*<br>- Сув иншоот худудига ЛЕП кабелларини тортиш, замонавий (АСКУЭ) электр хисоблаш ускунаси ўрнатиш;<br><br>- **Ичимлик сув тармоғини қуриш:**<br>*(узунлиги ва диаметри лойиҳани ишлаб чиқишда* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *аниқланади);*<br>- Янги қуриладиган сув иншоотидан кўп қаватли уйларга қадар асосий ва ички ичимлик сув тармоқларини қуриш: *(узунлигига ва диаметрига лойихалаш жараёнида аниқлик киритилади)*<br><br>**Оқова сув иншооти қуриш:**<br>- локал оқова сув тозалаш иншоотини қуришда "Ўзсувтаьминот" АЖ томонидан 2022 йил 28 апрел кунги ишлаб чиқилган техник талабларни қўллаш;<br>- Окова сув тозалаш иншоотини қуриш *(қуввати лойихани ишлаб чиқишда аниқланади);*<br>- Иншоотни замонавий ва энергия тежамкор ускуна ҳамда жихозлар билан жихозлаш.<br>- Енгил металл конструкциялар ва сендвич панелларни *(базалтли, оқ рангли ва ҳошияси периметри бўйича кўк рангни)* қўллаш;<br>- том қисмида кўк рангли сендвич профилли панелларни қўллаш;<br>- пойдеворда кулранг бўёкни қўллаш, сендвич девор билан пойдевор орасига пойдеворни ёғингарчиликдан ҳимоялаш;<br>- эшик ва деразаларда пластик ромлардан фойдаланиш;<br>- насос станцияси пол кисмини мармар бўлакларидан *(бречка ва мозайка усулида)* қилиш;<br>- Янги қуриладиган оқова сув иншоотини юқори хаво линияларини ториб, электр трансформатор подстанциясини ўрнатган холда электр таъминотига улаш; *(қуввати лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади);*<br>- Иншоот ҳудудига ЛЕП кабелларни тортиш, тунги ёритиш мосламалари, замонавий (АСКУЭ) электр хисоблаш ускуналари ўрнатиш;<br>- Худуддаги асосий йўлаклар бетон қопламали, кам катновли йўлакларга қум-шағалли қопламаларни қўллаш;<br>- Темир дарвоза ўрнатиб уни кулранг рангига бўяш, яшил рангли евро сетка девори билан ўраш ва пойдеворни кулранг билан бўяш;<br>- Иншоот ҳудудини ободонлаштириш хамда турли хилдаги манзарали арчалар билан иншоотни бойитиш. |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Оқова сув тармоғини қуриш:**<br>*(Қувватига лойихалаш жараёнида аник киритилид);*<br>- Янги қуриладиган оқова сув тозалаш иншоотига қадар **SN8 маркали (гофрированная труба)** ички хамда магистрал оқова сув тармоқларини қуриш *(узунлиги ва диаметрига лойихалаш жараёнида аниқлик киритилади);*<br>- Оқова сув тозалаш иншоотидан чикувчи ташлама тармоғини доимий оқар сувга қадар бўлган қисмини қуриш; |
| 10. | Технологик жараёнлар ва ускуналарга қўйиладиган асосий талаблар | - Сув манбаасидан чиқиш қисмига замонавий сув хисоблагич *(расходомер)* ускунаси ўрнатиш;<br>- Ннназорат қудуқлари ишлаб чиқарувчи томонидан кувур ўтказиш туйнукланган *(отверцияланган)* темир бетон конструкцияларни қўллаш;<br>- Оқова сув тармоғини қурилишида амалдаги ҚМҚ нормативларига асосан назорат кузатув қудуқлари (колодецларни ўрнатиш).<br>- Оқова сув назорат колодецларига одам тушиб ишлаш шароитини яратиш мақсадида, диаметри 1.5 м бўлган колцолардан фойдаланиш;<br>- Назорат қудуғи қопқоғи- ГОСТ-3634-99 оғир юк кўтарма маркали, "Ўзсувтаъминот" логотипи ёзуви билан лойиҳалаш;<br>- Марказий оқова сув тармоғини лойихалаш жараёнида нишоблигига жиддий эътибор қаратиш;<br>- Лойиха 3 нусха ишлаб чиқилсин хамда "Андижон сув таъминоти" МЧЖ билан келишилсин; |
| | Иншоот иш режими | Доимий |
| 12. | Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими | Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин |
| 13. | Атроф-мухит муҳофазасига қўйиладиган талаблар | "Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти" лойиҳасини бажариш (ЗВОС) |
| 14. | Рекультивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб | Лойиҳада аниқланади |
| 15. | Режалаштирилган қурилиш муддати | 2022 йил |
| 16. | Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги | Талаб этилмайди |

| | | |
|---|---|---|
| 17. | Муҳандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йўриқномаларга асосан |
| 18. | Махсус қурилиш шароитлари | - Қурилаётган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиклиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик хулосага мувофиқ.<br>- Лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда ШНК 4.02.00-04 га мувофик иш ҳақи ва машиналар ишлаши меъёрларига коэффицентлар кўлланилиши. |
| 19. | Лойиҳалаш учун махсус шартлар | - Ишчи лойиҳа амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилсин;<br>- Қурилишнинг бошланғич нархлар қонунчиликда белгиланган тартибда бугунги кундаги нархлар ўрганиб чиқилган холда ҳисоблансин;<br>- Лойихани ишлаб чиқишда абонентлар ва уланадиган аҳоли сони кўрсатилсин;<br>- Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этилсин. |
| 20. | Ҳисоб-китоблар варианти | Талаб этилмайди |
| 21 | Фуқаро мудофаасининг муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулодда огоҳлантиришлар | Андижон вилояти ФВБ талабларига биноан |

**“Андижон сув таъминот” МЧЖ директори** **Ш.Матмусаев**